

дедим мен.

- Хаммаси эмас, кўпчилиги шундай қилади. Ёки беш-олти лаганбардор қилган ишни бошқалар ҳам ё ошкора, ё яширин қўллаб - кувватлайди. Чунки ёшлигингизданоқ сизни каттани хурмат қил, хўжайниларга қарши гапирма, деб тарбиялашган. Сиз катта дегандан улуғ- ёшли одамни эмас, раҳбарни тушунасиз, тўғрими?

- Тўғри – деди дурадгор ноилож.

- Ўзбекда “Эгилган бўйинни қилич кесмайди”, “унг юзингга урсалар, чап юзингни тут”, “кўл югуриги ошга, тил югуриги бошга”, деган мақоллар борми?

- Бор.

- Яна шоирларнинг шеърларида ҳам, “Тишингни авайла, узаяр ёшинг, тилинг- ни авайла, омондир бошинг” сингари мисралар кўпми?

- Кўп, бироқ “Гар қилич келса, бошимга мен дегайман ростин ” (Муқимий) , “Эгилган бўйинни қилич кесмас, деб, Яшамоқ керакми бўйинни эгиб, Дўстларим, дўстларим, эгилмангиз ҳеч, Бўйинлар тик бўлсин, кесса ҳам қилич”(Миразиз Аъзам) каби сатрлар ҳам бор, – дедим мен.

- Борликка бор. Биро ўзбек қайсига кўпроқ амал қилади, биринчисигами ёки иккинчисигами?

- Биринчисига.

- Ана, тўғрисини айтдингиз. Аммо қозоқ ёки русундай қилмайди. қозоқда “Бош кесиш бор,

аммо тил кесиш йўқ “, “Одам адал (яни адолатли) бўлмоғи керак”, каби мақоллар бор. Рус ҳам “Честь сбереги смолоду”, деб туриб олади. Улар ҳақиқатни биздан кўра кўпроқ ёқтиришади. Ўрисларнинг Белинский деган олими ” ҳатто онанинг фарзандига муҳаббати ҳам ҳақиқатга асосланиши керак”, дейди.

- Энди улар бошидан кечирган шароит билан ўзбек бошидан кечирган шароит бир хил эмасда! Ўзбек Македониялик Искандар, кейинроқ араблар, кейинроқ чингизийлар, сўнг русларнинг босқинини... сўнг 37-йиллар қирғинини кўрди...

- Сиз айтган босқин ва қийинчиликларни қозоқ, тожик, гуржи ҳатто рус ҳам кўрган. Бошқа халқларнинг бошидан ҳам шундай қийинчиликлар ўтган.

- Унда гап нимада?

- Гап биринчидан, ҳали айтганимдай, ўзбекнинг менталитетида, иккинчидан, раҳбариятларнинг яратган шароитда. Мен Сизларга бориб етсин, деб атай, дастлаб менталитет ҳақида гапирдим, аслида, Сизлардаги шароит Қозоғистон ёки Россияда бўлса, ўша ердаги аҳвол ҳам ўзбекистондагидай бўлиши мумин эди. Аммо бундай шароитнинг бўлишига қозоқ ёки кирғиз, рус ёки украин менталитети йўл кўйи бермайди.

- Тўғри, — тан олди, фемер.

Табиатимиздаги ўта юмшоқлик бошимизга бало бўлаётган экан. Демократия дегани

унчалик қийин гап эмас эканку! Нега?

- Гапимнинг давомини ҳам эшитинг, — деди кўзойннак тақкан йигит. –Демократик жамиятда бир-бирига бўйсингиздиган уч ҳокимият бўлади. Бу қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд оқимиятидир. Улар бир-биридан мустақил равишда ишлашади. Шунда парламент аъзолари ҳам, ҳатто президент ҳам ижро этувчи ёки суд ҳокимиятининг ишларига аралаша олмайди.

- Бизда ҳам демократия бўлиши учун нима қилишимиз керак?

- Юқоридаги гаплардан маълум бўлмадими? Биринчидан, менталитетингиздаги салбий томонларни ўзгартириш керак. Иккинчидан, раҳбарларнинг демократия қиламиз, деяптими? – кулиб сўради, кўзойнакли йигит...

- Деяпти...

- Мен юқорида демократия нималигини содда қилиб тушунтирдим. (Эркин матбуот, эркин сайловлар, учта бир -бирига бўйсунмайдиган хукумат) Худди шуларни раҳбарларнингиздан талаб қилишга Сизнинг ҳақингиз бор.

- Қандай қилиб талаб қила оламан?!

- Уни ўзингиз топинг, АЛЛОҲ бошни Сизга нимага берган?...

Суҳбатни ёзиб олувчи: Н.Жуман. 2008 йил.

## Едгор Обид.

*Бош өгик, қўзлар юмуқ, мардуми хилват гўшаман.*

*Лақма-ялтоқидурман, баъзида бевақт жўшаман.*

*Ким қаёнга боиласа эргашурман им каби,*

*Дод десанг ҳам ўшаман, войдод десанг ҳам ўшаман.*

*Баъзилар таъна қилур босмииш тамом гафлат дея,*  
*Билмагай ўз қадрини ҳеч, қилмиши бидъат дея,*  
*Қўйгил энди, бош қотирма юрт дея, миллат дея...*  
*Дод десанг ҳам ўшаман, войдод десанг ҳам ўшаман.*

*Неча ўн ийлар тирик мурда бўлиб юрдим охир,*  
*Мурдалигда ўйқ озорлиг, кўп ҳузур кўрдим охир...*  
*Ўз қўлим бирла ўзимга дор- қафас қурдим охир...*  
*Дод десанг ҳам ўшаман, войдод десанг ҳам ўшаман.*

## Тарих сабоқлари

Беҳбудий тахаллуси билан танилган Маҳмудхўжа 19 асрдаги Марказий Осиё маърифатпарварларидан бири эди. У Туркистондаги Жадидчилик харакати раҳбари ва асосчиси, шунингдек, фикршунос, сиёsatчи, журналист ва драмматург ҳамдир.

Маҳмудхўжа 1875 йилда Самарқандда оддий дехқон оиласида таваллуд топди. Унинг отаси оддий камбағал киши бўлса ҳам Куръони Каримни хатм қилган художўй инсон эди. Маҳмудхўжа 1894 йилда отаси ҳузурида бошланғич маълумот олди.

У ўн икки ёшида Куръонни тўлиқ ёд олган эди. Шундан сўнг ўзининг она тили бўлган турк тили билан бирга араб ва форс тилларини, кейинчалик рус тилини мустақил ўрганади. Араб тилини у ўз мутахассислиги бўйича чукур хатм қилади, Туркистон жадидчилик харакатини оёққа қўйиш учун эса форс ва рус тилларини ўрганишга ўзида катта эҳтиёж сезади.

Маҳмудхўжа оиласи парвар инсон эди. У йигирма ўшга қадам қўйганида оила куради. Оилада ўғил туғилгач, уни анъанавий мадрасага эмас, балки рус тили чукур ўргатиладиган янги замонавий мактабга ўқишга беришади. Беҳбудий келажакда,

дунёвий фанлар ўқитиладиган, анъанавий дастурлардан холи бўлган бу илм даргоҳида ўғлини ҳаёт учун керакли билимлар олишига ишонарди. Маҳмудхўжанинг ўзи ҳам шу нуқтаи назардан хуқуқ соҳасини ўрганиб, суд ижроҳиси вазифасида ишлайди. Хуқуқшунос сифатида у шаръий ишларни ҳам кўра бошлайди. Маҳмудхўжа саёҳат килишни яхши кўрарди. 1990 ва 1914 ийлар орасида у Миср ва Туркияда кўплаб сафарда бўлди. 1907 йилда у Тошкент, Уфа ва Оренбург орқали Петербургга сафар қилади. У ўз саёҳати давомида мутлақо янги дунё билан танишади, Марказий Осиёдаги биқиқ ҳаётни тушуниб етади ва минтақадаги уламоларнинг билим даражасини ошириш бўйича янги ўқитиш услублари ҳақида ўйлади. У шунингдек синков ўқувчи эди. Ўз саёҳатлари давомида турли халқлар маданиятини ўрганиш учун кўп ўқийди. У умрининг охираша ўзининг барча китобларини Тошкентда очилган кутубхонага тақдим этади. Маърифатпарвар адаб сифатида Маҳмудхўжа умрининг кўп кисмини янги услубдаги мактаблар учун ўқув дарслеклари ёзишга сарфлади. Бу дарслеклар Марказий Осиёдаги

*Дўппини ерга қўйиб, бошим қашиб ўйланаман,*

*Туну- кун минг бир хаёл ичра қолиб сўйланаман,*

*Бемуроду- бегурурман, ваҳм ичра ўламан...*

*Дод десанг ҳам ўшаман, войдод десанг ҳам ўшаман*

*Бир ажисб элдир элим, авоми қул, подшоҳи қул,*  
*Ёв имо қилса мудом-ўзин бадном этгай нуқул,*  
*Бу балога ўйқ даво, қонимда шул, жонимда шул...*  
*Дод десанг ҳам ўшаман, войдод десанг ҳам ўшаман.*

*Минг Мусо умри керак чиққунча бу элдин садо,*  
*Сотқини кўп, кўрқоги кўп, ҳам муноғиқ беҳаёс,*  
*Мен каби нодон қулингни кечиргайсан эй худо...*  
*Дод десанг ҳам ўшаман, войдод десанг ҳам ўшаман.*

## ТУРКИСТОН ЖАДИДЛАРИДАН БИРИ



(Суратда: М.Беҳбудий. Уибу сурат  
Беҳбудийнинг АҚШда яшाइтган  
набираси Зарруҳ Беҳбудий томонидан  
бизга тақдим этилди, илк бора эълон  
қилинмоқда-тарж.)

муаллифи ҳамдир. Улардан бири нашр этилмаган, иккинчиси “Падаркуш”дир. “Падаркуш” Марказий Осиёдаги октябр инқилобига қадар ёзилган мақолани уламолар норозилик билан кутиб олишди. Улар ислоҳотчи жадидни коғир деб эълон қилдилар. Уламолар Муфтийни христианлар ишлаб чиқарган ун маҳсулотларини ҳалол деб фатво чиқарганлиги учун айблаб чиқишиади. Маҳмудхўжа шунингдек иккиси